

Янгиланаётган Конституция – юртимиз ва халқимизнинг фаровон ҳаёти учун мустақкам ҳуқуқий асос бўлади

◄(Бошланиши 1-бетда)

Ушбу конституциявий қоидалар замирида мустақиллигимизни асраб-авайлаш ва янада мустақкамлаш, келажак авлодларга озод ва эркин Ватан қолдириш, халқ манфаатлари кўзланган ислохотлар йўлидан ортага қайтмаслик, қонун ва адолат устуворлиги, инсонга эътибор ва ғамхўрлик каби муҳим қадриятлар мужассам бўлиб, улар давлатчиликнинг тамал тошлари сифатида мустақкамланмоқда.

Кучли ижтимоий ҳимоя ва муҳтожларга ғамхўрлик – давлат сиёсатининг муҳим йўналиши бўлиб қолади

Конституцияда камбағалликни қисқартириш, бандликни таъминлаш, ишсизликдан ҳимоя қилиш бўйича давлат ўзига қатор янги мажбуриятлар олиши белгиланмоқда. Умуман давлатнинг ижтимоий мажбуриятларига доир нормалар уч баробарга ошмоқда.

Масалан, 2 миллион 200 минг эҳтиёжманд оилалар давлатдан моддий ёрдам олишини кафолатлайди. Бу жами оилаларнинг 25 фоизига тўғри келади, уларга ҳар йили 11 триллон сўм ажратилади.

Депутатлар ўтган йили 50 минг оила учун янги квартиралар олишга шaroит яратилгани, бу йил 90 минг, яқин 2-3 йилда эса, 200 минг оилани уй-жойли қилиш режалаштирилганили, шу боис, ҳар бир фуқаронинг уй-жойли бўлиш ҳуқуқи ва уй-жой қурилиши давлат томонидан рағбатлантирилишининг Конституциямизда мустақкамланаётганлиги ушбу марраларга эришиш учун мустақкам замин ҳозирлашини қайд этдилар.

Илк маротаба давлат зиммасига аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларининг ҳаёти сифатини ошириш, ногиронлиги бўлган шахсларнинг жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиши ва ўз ҳуқуқларини амалга ошириши учун шарт-шaroитлар яратиш чораларини кўриш мажбурияти юкланмоқда.

Депутатлар томонидан давлат ўз зиммасига ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалар объектлари ва хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун шарт-шaroитлар яратиш, уларнинг ишга жойлашишига, таълим олишига кўмаклашиш мажбуриятини олаётганлиги ҳам ижтимоий давлат тамойилининг яққол ифодаси эканлиги таъкидланди.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари кучайтирилмоқда
Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш – давлатнинг олий мажбурияти этиб белгиланмоқда. Инсон ва давлат органлари ўртасида юзага келадиган ноанқликлар инсон фойдасига талқин қилиниши, ҳуқуқий таъсир чоралари қонуний мақсадга эришиш учун етарли ва мутаносиб бўлиши кераклиги белгиланмоқда. Ушбу қоидалар инсон ҳуқуқлари устуворлигини таъминлайди, давлат идораларининг ўз вазифаларини инсон ҳуқуқларига rioя қилган ҳолда амалга оширишда масъулиятини оширади ҳамда инсонга меъёридан ортқ ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилишининг олдини олади.

Конституцияда инсоннинг шахсий ҳуқуқлари ва эркинликлари кафолати энг илғор халқроқ стандартларга мувофиқ кучайтирилмоқда. Хусусан, шахсни суд қарорисиз 48 соатдан ортқ муддат ушлаб турилиши мумкин эмаслиги, ушбу муддат ушлаб туриш қонунийлиги ва асослилиги судда исботланмаса, шахс дарҳол озод қилиниши (“Хабeас корпус” институти) ҳамда шахсни ушлаб туриш чоғида унинг ҳуқуқлари ва ушлаб турилиши асослари унга тушунарли тилда тушунтирилиши кераклиги (“Миранда қоидалари”), шунингдек, айбланувчи ва судланувчиларга ўзига қарши кўрсатма бермаслик, яъни “сукут сақлаш” ҳуқуқи белгиланмоқда. Ушбу қоидалар шахсий эркинлик дахлсизлигини ва инсонларни ноқонуний ҳибсга олишга йўл қўймасликни кафолатлайди.

Илк маротаба ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар, почта, электрон хабарлар ва бошқа хабарларни сир сақлаш ҳуқуқи фақат суднинг қарорига асосан

чекланиши мумкинлиги белгиланмоқда. Яъни ҳозирги вақтда ушбу ваколат прокурорга тегишли бўлиб, унинг судларга ўтказилиши шахс дахлсизлиги ва конституциявий ҳуқуқларини таъминлашда туб бурилиш бўлади.

Шахс қариндошларининг судланганлиги асоси билан ҳуқуқлари чекланиши мумкин эмаслиги қатъий белгиланиши инсон ўзининг яқинлари йўл қўйган хатолар учун жавоб бермаслигини таъминлайди.

Узоқ йиллар юртимизнинг халқаро имиджига салбий таъсир қилиб келган мажбурий меҳнатга тўлиқ барҳам берилди. Болаларнинг баркамол ривожланишига салбий таъсир қиладиган ҳар қандай болалар меҳнатининг тақиқланиши Асосий қонунимизда тўғридан-тўғри ёзиб қўйилаётганлиги ушбу салбий иллатнинг тарихда қолиши учун кафолат бўлади.

Конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар доираси кенгаймоқда

Конституцияда инсон ҳуқуқ ва эркинликлари сезиларли даражада кенгайтирилмоқда. Хусусан, конституциявий ҳуқуқлар доираси экологик ҳуқуқлар, соғлиқни сақлаш, гендер тенглик, эркин ҳайракатланиш, турар ва яшаш жойини эркин танлаш, мамлакатдан чиқиш ва монеликсиз қайтиш, Интернетдан фойдаланиш, шахсий маълумотлар ҳимояси, олий таълим, бепул юридик ёрдам олиш, давлат хизматига киришда тенглик, уй-жойга эга бўлиш, ундан маҳрум этилганда компенсация олиш, банк операциялари ва ҳисобварақларининг сир сақланиши, қонунчиликка оид тақлиф киритиш каби ҳуқуқлар билан тўлдирилмоқда.

Қулай меҳнат шaroитларида ишлаш, меҳнати учун адолатли ҳақ олиш, дам олиш, давлат хисобидан тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини олиш, шахарсозлик, бюджет соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш каби ҳуқуқларнинг киритилиши фуқароларнинг иқтисодий ва ижтимоий ҳимоясини янада кучайтиради.

“Инсон қадри учун” тамойили Конституцияда, қонунларимизда ва давлат идоралари фаолиятида бош мезон бўлиши шарт. Шу боис, Конституция лойиҳасида инсоннинг давлат идоралари фаолиятида бош мезон бўлиши шарт. Шу боис, Конституция лойиҳасида инсоннинг давлат идоралари фаолиятида бош мезон бўлиши шарт. Шу боис, Конституция лойиҳасида инсоннинг давлат идоралари фаолиятида бош мезон бўлиши шарт. Шу боис, Конституция лойиҳасида инсоннинг давлат идоралари фаолиятида бош мезон бўлиши шарт.

Таълим олиш ҳуқуқи ва имконияти кенгайтирилади, ўқитувчилар конституциявий мақомга эга бўлади
Олий таълим ташкилотларига академик эркинлик берилиши, танлов асосида давлат хисобидан бепул олий маълумот олиниши, нодавлат таълим ташкилотлари қўллаб-қувватланиши тўғрисидаги қоидалар ёш авлод ҳаётини яхшилаш, уларнинг орзу-интилишларини рўёбга чиқариш, замонавий мутахассисликларни эгаллаган ҳолда ҳаётда ўз ўрнини топиши ва шахсий ривожланиши учун имконияти яратади.

Охирги олти йилда олийгоҳлар сони 77 тадан 210 тага, уларга қабул эса, 5 бараварга ортиб, талабалар сони 1 миллионга, олий таълим қамрови – 9 фoиздан 38 фоизга ошди. Давлат грантлари сони ҳам 2 баравар кўпайиб, 40 мингтага етди, шундан магистратура учун – 5 баравар кўпайди.

Алоҳида эҳтиёжларга эга бўлган болалар учун таълим ташкилотларига инклюзив таълим ва тарбиянинг ташкил этилиши, уларни ҳамма қатори умумий мактабларда ҳам ўқишини йўлга қўйилиши Янги Ўзбекистонда инсон қадри тамойилининг амалий ифодаси ҳисобланади.

Конституцияда давлат мактабгача таълим ва тарбияни ривожлантириш учун шарт-шaroитлар яратиши ва бошланғич профессионал таълим бепул эканлиги ҳам белгиланмоқда. Депутатлар томонидан сўнгги олти йилда болаларнинг боғча билан қамрови 27

фоиздан 70 фоизга ошгани ҳамда Конституцияга киритилаётган янги нормалар бу борада янги марраларга эришиш имконини бериши таъкидланди.

Депутатлар ўқитувчилар шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий ва моддий фаровонлиги, касбий жиҳатдан ўсиши тўғрисида ғамхўрлик қилиш тўғрисидаги норма миллат ва халқ ривожи, унинг интеллектуал салоҳиятини оширишда асосий ўрин тутувчи ўқитувчиларнинг жамиятдаги ижтимоий мақоми ва обрўсини янада оширишга хизмат қилишини таъкидлаб ўтдилар.

Ёшлар ҳуқуқлари Конституция ҳимояси остида бўлади

Конституцияда ёшлар масаласи алоҳида боб даражасига олиб чиқилиши Янги Ўзбекистонда ёшлар сиёсати устувор эканлигига яққол ишоради.

Депутатлар аҳолимизнинг 18 миллиондан ортиғи ёшлар эканлиги, ушбу кўрсаткич 2040 йилга бориб, 25 миллионга етишини ҳисобга олиб, Конституцияга ёшлар масаласига алоҳида боб киритилаётгани муҳим аҳамиятга эгаллигини алоҳида таъкидладилар.

Муҳокамалар давомида ёшларнинг шахсий, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, экологик ҳуқуқлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, жамият ва давлат ҳаётида фаол иштирок этишини рағбатлантириш, уларнинг маънавий, интеллектуал, ижодий, жисмоний ва ахлоқий жиҳатдан ривожланиши, ўз ҳуқуқларини амалга ошириши учун шарт-шaroитларни яратиш мажбуриятини давлат ўз зиммасига олиши ёшлар ҳаётда ўзларини тўлақонли намоён этиши имкониятини таъминлаши таъкидланди.

Рақобатбардош миллий иқтисодиёт, хусусий тадбиркорлик ва мулк ҳуқуқи кафолатлари мустақкамланмоқда

Янгиланаётган Конституцияда тадбиркорлик фаолияти кафолатларини кучайтириш, бозор муносабатларини ривожлантириш, ҳалол рақобат учун шарт-шaroит яратиш, қулай инвестициявий ва ишбилармонлик муҳитини таъминлаш, адолатли солиқ тизимини йўлга қўйиш, монополистик фаолиятни чеклаш орқали том маънода эркин бозор иқтисодиётини шакллантириш учун барқарор асос яратилмоқда.

Тадбиркорликка кенг йўл очилгани ҳисобига сўнгги олти йилда уларнинг сони 6 баравар ошиб, бугунги кунда 2 миллионга етди. Тушумлари 1 миллион доллардан ошган тадбиркорлар 26 мингтага, 100 миллион долларга етказганлар эса, 220 тага етди.

Лойиҳада мулк дахлсизлиги ва у билан боғлиқ ҳуқуқларнинг таъминланиши давлат томонидан кафолатланиши, мулкий ҳуқуқларни чеклаш фақат суд қарори асосида бўлиши мустақкамланмоқда. Мамлакатимизда товарлар, хизматлар, меҳнат ресурслари ва молиявий маблағларнинг эркин ҳаракатланиши кафолатланмоқда. Бу иқтисодиёт барқарор ўсиши, фаровон ҳаётимиз таянчи ҳисобланган тадбиркор ва ишбилармонларимизнинг эркин фаолияти учун мустақкам ҳуқуқий кафолат яратиши қайд этилди.

Давлат бебаҳо табиий бойликларимизни кўпайтириш, асраб-авайлаш ва атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш чораларини кўради

Аҳоли ҳаёти ва саломатлик даражасини яхшилашнинг зарурий шarti сифатида Конституцияда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бўйича комплекс чоралар белгиланмоқда.

Депутатлар томонидан сўнгги уч йилда қурилишлардан норози бўлиб, аҳолидан 15 мингта мурожаат келиб тушгани, судлар томонидан биргина Тошкент шаҳрида 200 дан ортқ қурилишлар тўхтатиб қўйилганлиги, автомобиллар сони 1,3 миллионга кўпайиб, 3,6 миллионга етганлиги, ҳар йили атмосфера

ҳавосига 2,2 миллион тонна саноат ва транспорт ташланмалари чиқарилаётганлиги ҳам ушбу масала тобора долзарб аҳамият касб этаётганлигидан далолат бериши таъкидланди.

Шу муносабат билан давлат атроф-муҳитни яхшилаш, тиклаш ва муҳофаза қилиш, экологик мувозанатни сақлаш бўйича чораларни амалга оширади, фуқароларнинг экологик ҳуқуқларини таъминлаш ва атроф-муҳитга зарарли таъсир кўрсатилишига йўл қўймаслик мақсадида шахарсозлик фаолияти соҳасида жамоатчилик назоратини амалга ошириш учун шарт-шaroитлар яратади. Шу билан бирга Ҳукуматнинг атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, биологик хилма-хилликни сақлаш ва иқлим ўзгарishiга қарши курашиш соҳасидаги масъулияти белгиланмоқда.

Шаҳарларнинг бош режаларини жамоатчилик муҳокамасидан мажбурий ўтказилиши шартлиги ҳақидаги конституциявий қоида ҳозирги шaroитда тобора долзарб аҳамият касб этиб бораётган шахарсозликка оид масалаларни халқимиз билан бамаслаҳат ечиш имконини беради.

Депутатлар Конституцияга киритилаётган ушбу нормалар табиий захиралар қисқараётган, глобал иқлим ўзгарishi, экология ва табиат билан боғлиқ муаммолар инсоният келажагига таҳдид солаётган ҳозирги даврда муҳим аҳамият касб этишини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Оммавий ахборот воситалари ва фуқаролик жамияти институтлари янада фаол бўлиши учун кенг имконият ва кучли ҳимоя тақдим этилмоқда
Конституциямизда оммавий ахборот воситалари фаолиятининг эркинлиги, уларнинг ахборотни излаш, олиш, ундан фойдаланиш ва уни тарқатишга бўлган ҳуқуқлари кафолатланмоқда.

Депутатлар халқ овози ва фикрини кенг жамоатчиликка, давлат идоралари эътиборига олиб чиқаётган оммавий ахборот воситалари, журналистлар фаолиятига тўсқинлик қилиш ёки аралаштиш жавобгарликка сабаб бўлиши ҳақидаги қоида Бош қомусимизда муҳрланаётганлиги юртимизда сўз ва ахборот эркинлигини янада юксалишини эътироф этдилар.

Конституциямизга илк маротаба фуқаролик жамияти институтларига бағишланган алоҳида боб киритилиши ва улар фаолияти кафолатларининг белгиланиши жамиятда очиклик, ошкоралик ва қонунийлик муҳитини, давлат ва жамият ўртасидаги мулоқотни мустақкамлаш ҳамда кучли жамоатчилик назоратини йўлга қўйиш учун мустақкам замин ҳозирлайди.

Инсон фаровон яшashi, давлат барқарор ривожланиши учун самарали, илчам ва халқчил давлат бошқаруви жорий қилинади ҳамда парламентаризм янада кучайтиради

Янгиланаётган Конституция халқларвар давлат қуриш мақсадида кучли парламент, илчам ва масъулиятли ҳукумат, мустақил ва адолатли суд тизимини барпо этишга қаратилган.

Давлат ҳокимияти тизими ягона ва яхлит бўлиб, ҳокимиятнинг бир бўгинини модернизация қилиш унинг бошқа тармоқларида ҳам ислохотларни тақозо қилади. Шунга кўра, тармоқлар ўртасида бир-бирини тийиш ва мувозанатни сақлаш тизимининг самарали ишланиши таъминлаш мақсадида парламент палаталарининг ваколатлари қайта кўриб чиқилмоқда.

Унга кўра, Қонунчилик палатаси ва Сенатнинг ваколатлари сезиларли даражада кенгаймоқда, икки палата ишидаги такрорланишлар бартараф этилиб, ҳар бирининг масъулият соҳаси аник белгиланмоқда. Хусусан, Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари амалдаги 5 тадан 12 тага, Сенатда эса, 14 тадан 18 тага кўпаймоқда.

Бош вазир номзодини кўриб чиқиш ва маъқуллаш, Давлат бюд-

жети ижросини назорат қилиш, Ҳисоб палатасининг ҳисоботини кўриб чиқиш каби ваколатлар бевосита халқ томонидан тўғридан-тўғри сайланадиган Қонунчилик палатаси ваколатига ўтказилмоқда. Бу ўзгариш қуйи палатанинг вакиллик табиатига ва илғор хорижий тажрибага тўла мос келади.

Муҳокамаларга бой бўлган ййгилишда қайд этилганидек, марказда ва жойлардаги ижро ҳокимияти органлари фаолиятида қатъий тартиб-интизом, масъулият, натижадорликни кучайтириш мақсадида, шунингдек, илғор хорижий тажрибани инобатга олиб, Бош вазир номзодини Президент Қонунчилик палатасига киритиб, халқ вакиллари маъқуллагандан сўнг лавозимга тайинлаш тартиби жорий этилмоқда. Бош вазир номзодини Қонунчилик палатасига тақдим қилишдан олдин Президент томонидан барча сиёсий партиялар фракциялари билан маслаҳатлашувлар ўтказиш назарда тутилмоқда.

Амалдаги тартибга кўра, Бош вазир номзодини кўриб чиқиш фақат Қонунчилик палатасига сайловда энг кўп овоз олган партия ёки партиялар иродасига боғланган эди. Янги тақлиф этилаётган тартиб орқали эса, барча сиёсий партиялар фракцияларининг нафақат Бош вазир номзодини кўриб чиқишда, балки бутун Ҳукуматни шакллантиришдаги иштироки таъминланади. Яъни амалдаги тартиб янада демократик мазмун касб этади.

Фаолияти қониқарсиз деб топилган вазирни лавозимидан озод этиш бўйича Қонунчилик палатасининг Президентга тақлиф киритиш ҳуқуқининг белгиланаётганлиги Ҳукумат аъзоларининг халқ вакиллари олдидаги ҳисобдорлигини янада оширишга хизмат қилади.

Сенат олдига қўйилаётган янги вазифалардан келиб чиқиб, уни илчам, халқчил ва ҳудудлар манфаатини ифода этадиган идорага айлантириш мақсадида унинг маҳаллий Кенгашларга кўмаклашиш бўйича ваколати ҳам Конституцияда мустақкамлаб қўйилмоқда.

Ушбу конституциявий нормалар Янги Ўзбекистон Тараққиёт стратегияси ва маъмурий ислохотларнинг устувор йўналишларига ҳамоҳанг бўлиб, парламент палаталари ваколатларини аниқ чегаралаб беради, улар фаолиятидаги ўзаро такрорланишларни бартараф этади, параллел функцияларни мақбуллаштиради, Олий Мажлисни ягона, яхлит орган сифатида самарали фаолият олиб боришини таъминлайди.

Шу билан бирга жойлардан тенг вакилликни сақлаб қолган ҳолда, сенаторлар сонини ҳозирги 100 нафардан 65 нафарга тушириш, бунда ҳар бир ҳудуддан 4 тадан сенатор сайланиши, Президент томонидан тайинланадиган сенаторлар сони эса, 16 тадан 9 тага камайтиралиётганлиги ҳақида айтиб ўтилди. Бу Олий Мажлис Сенати фаолиятини мамлакатимизда амалга оширилаётган маъмурий ислохотлар моҳиятига монанд тарзда модернизациялаш имконини беради.

Парламентнинг қуйи палатаси томонидан киритилган қонунлар Сенатда 60 кун ичида кўриб чиқилиши, муддат ўтиб кетса, ушбу қонун маъқулланган деб ҳисобланиши ва имзолаш учун Президентга юбориш амалиёти жорий қилинаётганлиги ҳам таъкидланди.

Парламентнинг суд ва назорат органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва махсус хизматлар фаолияти устидан назорат функциялари кучайтирилмоқда

Олий Мажлис палаталарининг биргаликдаги ваколатлари ҳам кучайтирилиб, парламент назоратининг муҳим шакли бўлган парламент текшируви институти Конституцияда алоҳида мустақкамлаб қўйилмоқда.

Олий Мажлиснинг жамият ҳаётидаги ўрни, роли ва таъсирини кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг

айрим ваколатлари парламентга ўтказилмоқда.

Хусусан, Бош прокурор, Ҳисоб палатаси раҳбарлигига номзодлар аввал Сенатда кўриб чиқилиб, кейин Президент томонидан тайинланиш, шунингдек, монополияга ва коррупцияга қарши курашиш органлари раҳбарларини Сенат томонидан сайлаш амалиёти жорий этилмоқда.

Махсус хизматлар фаолияти устидан парламент назоратини кучайтириш мақсадида Давлат хавфсизлик хизмати раҳбарлигига номзод аввал Сенатда кўриб чиқилиб, кейин Президент томонидан тайинланиши тартиби жорий этилмоқда.

Суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш мақсадида Судьялар олий кенгашининг барча аъзоларини Сенат томонидан сайлаш тизими киритилмоқда.

Ҳокимларнинг халқ депутатлари Кенгашларига раҳбарлик қилиш институти бекор қилинади

Маҳаллий даражада ҳокимиятлар бўлиниши принципини амалга ошириш, ҳокимларнинг халқ депутатлари Кенгашларига раҳбарлик қилиш институти тугатиш давлат бошқаруви тизими янгиланишининг манتيкий давоми бўлиши қайд этилди.

Ййгилишда сўзга чиқувчилар томонидан маҳаллий даражада ҳокимиятлар бўлиниши принципини амалга оширилиб, ҳокимларнинг халқ депутатлари Кенгашларига раҳбарлик қилиш институти босқичма-босқич, яъни вилоят Кенгашлари учун 2024 йилдан, туман Кенгашлари учун эса, 2026 йилдан эътиборан тугатилаётганлиги мамлакатда амалга оширилаётган маъмурий ислохотлар, давлат бошқаруви тизими янгиланишининг манتيкий давоми бўлиши таъкидланди.

Маҳаллий давлат бошқаруви соҳасида киритилаётган маъкур ўзгаришлар бутун давлат ҳокимияти тизимини демократлаштиришга, ҳокимиятлар бўлиниши принципини изчиллик билан амалга оширишга ҳамда чинакам халқларвар давлатчилик асосларини яратишга хизмат қилади.

Барча масалалар ечими чинакам халқ овози бўлган маҳалла даражасига туширилади

Конституцияда маҳаллаларга аҳолининг кундалик муаммоларини ҳал қилиш бўйича мустақил қарор қабул қилиш ваколатлари бериш, бунинг учун ташкилий ва молиявий имкониятлар яратиш белгиланмоқда.

Буларнинг барчаси давлат ҳокимиятида ҳисобдорлик, шафқофлик, самарали қарор қабул қилиш ва унинг натижадорлигини оширишга хизмат қилади.

Конституцияда суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш ва суд тизими фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича нормалар киритилмоқда
Муҳокамаларда судлар фаолияти мустақиллиги кафолатларини кучайтириш, судьялар дахлсизлиги ва муайян ишлар бўйича ҳисобдор бўлмаслиги, уларнинг хавфсизлигини таъминлаш бўйича киритилаётган ўзгаришлар одил судловни тўлиқ ва мустақил амалга ошириш учун муҳим кафолат бўлади.

Депутатлар судларнинг фаолиятини молиялаштириш фақат Давлат бюджетидан амалга оширилиши ва у одил судловни тўлиқ, мустақил амалга ошириш имкониятини таъминлаши кераклиги тўғрисидаги конституциявий норма чинакам адолатли ва мустақил суд тизимини шакллантиришини, судларнинг ҳолислигини таъминлашини қайд этдилар.

Фуқароларга суд томонидан ўзига нисбатан қўлланилган қонуннинг Конституцияга мувофиқлиги тўғрисида Конституциявий судга мурожаат қилиш ҳуқуқининг берилиши фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун янги механизм ҳисобланади.

Муҳокамаларга бой бўлган мажлис ўз ишини эртага ҳам давом эттиради.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Парламент ахборот маркази

Қонун ижодкорлиги

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ МУҲИМ ЎЗГАРИШЛАР

жазони ижро этиш муассасалари тартиб-қоидаларига тўлиқ риоя этилишини таъминлайди

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ўтказилган таҳлиллар манзил-колонияларда жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар томонидан жазони ўташ жойларини 24 соатгача бўлган муддатга ўзбошимчалик билан тарк этиш ҳолатлари кўпайиб содир этилаётганини кўрсатди. Хусусан, 2021 йилда 212 нафар, 2022 йилда 149 нафар маҳкум шундай ҳуқуқбузарликни содир этган.

Бироқ амалдаги қонунчиликка кўра, маҳкум жазони ўташ жойини 24 соатдан кўп муддатга ташлаб кетган тақдирда уни сақлаш режими ашаддий бузувчи деб топил мумкинлиги белгиланган.

Шу сабабли 24 соатдан кам бўлган муддатда ушланган маҳкумни умумий тартибни колонияга қайтариш имконияти мавжуд эмас. Бу эса, маҳкумларнинг қонунчиликдаги бундай бўшлиқдан фойдаланишига имкон яратмоқда.

Бундан ташқари манзил-колонияга ўтказилган оғир ва ўта оғир жиноят содир этган маҳкумлар томонидан жазони ўташ даврида

бир қатор оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларга содир этиш ҳолатлари қузатилмоқда.

Масалан, 2021 йилда манзил-колонияда жазо муддатини ўтаётган 15 нафар маҳкум томонидан оғир ва ўта оғир турдаги жиноятлар содир этилган бўлса, 2022 йилда 77 нафар маҳкум шундай турдаги жиноятларни қўл турган.

Бундай ҳолатлар ўз навбатида, оғир ва ўта оғир турдаги жиноятларни содир этган маҳкумларни манзил-колонияларга ўтказиш тартибини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Шунингдек, қонунчиликда сақлаш режимини ашаддий бузишнинг оқибатлари ҳамда меҳнатдан бўйин товлаган деб топилгани аниқ мезонлари белгиланмаганлиги жазони ижро этиш муассасасида режимни ашаддий бузувчилар ҳамда меҳнатдан бўйин товландиган маҳкумлар билан олиб борилаётган тарбиявий ишлар самарадорлигига салбий таъсир кўрсатди.

Шу мақсадда Жиноят, Жиноят-ижроия кодексларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда. Жумладан:

– жазони ижро этиш муассасаси ҳудудини ўзбошимчалик билан ташлаб кетган маҳкумларни сақлаш режими ашаддий бузувчи деб топил учун асос бўладиган 24 соатлик муддат 12 соатгача қисқартирилмоқда;

– жазони ўташ тартибини бузганлик учун навбатдаги учрашувдан маҳрум этиш тартибига жазо чораси белгиланмоқда;

– меҳнатдан бўйин товланиши аниқ мезонлари белгилаб берилиб, йил давомида икки марта меҳнатдан бўйин товланган жазони ўташ тартибини кўпол тарзда бузиш деб баҳолашни назарда тутилмоқда;

– Жиноят-ижроия кодексини янги 112-моддаси билан тўлдирилиб, унга кўра, сақлаш режимини ашаддий бузувчи маҳкумларга нисбатан манзил-колониядан умумий тартибни колонияга, умумий, қаттиқ ёки махсус тартибни колони-

ялардан турмага ўтказиш тўғрисида, шунингдек, манзил-колониядан умумий ёки қаттиқ тартибни колонияга, қаттиқ тартибни колониядан махсус тартибни колонияга, колониялардан турмага қайтариш тўғрисида судга тақдимнома киритилиши белгиланмоқда;

– манзил-колонияда жазони ўташ даврида Жиноят-ижроия кодексининг 112-моддаси тартибда умумий тартибни колонияга ўтказилган ҳамда умумий ёки қаттиқ тартибни колонияга қайтарилган маҳкумлар, бу ҳақда суд ажрими чиққан кундан бошлаб камида икки йил мобайнида, шунингдек, манзил-колонияда жазони ўташ даврида жиноят содир этиб, суд томонидан озодликдан маҳрум қилиш тартибидеги жазога ҳукм қилинган маҳкумлар манзил-колонияга ўтказилмаслиги белгиланмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу янги қонуннинг амалиётга татбиқ этилиши:

биринчидан, маҳкумларнинг жазони ижро этиш муассасаларида ўрнатилган

тартиб-қоидаларга тўлиқ риоя этишларига, тарбиявий тадбирлар самарадорлиги ошишига ҳамда қайта жиноят содир этилиши ҳолатларининг олди олинишига, шунингдек, маҳкумларнинг меҳнат қилишга бўлган муносабатларини ижобий томонга ўзгартиришга;

иккинчидан, сақлаш режимини ашаддий бузганлик оқибатларининг аниқ белгиланиши маҳкумлар томонидан жазони ижро этиш муассасасининг ички тартиб-қоидаларига оғишмай амал қилишига;

учинчидан, манзил-колонияларда йилга 24 марта узоқ муддатли учрашув берилиши маҳкумларнинг тузалиш йўлига ўтиши ҳамда уларнинг жадаллаштиришга;

тўртинчидан, жазони ижро этиш муассасаларининг ички тартиб-интизоми янада мустаҳкамлашишига хизмат қилади.

Наримон УМАРОВ,

Олий Мажлис Сенатининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш қўмитаси раиси

МОЛИЯВИЙ ИСТЕЪМОЛ КРЕДИТИ БЕРИШ ТИЗИМИ ТАКОМИЛЛАШМОҚДА

◀ (Бошланиши 1-бетда)

Шулардан бири “Молиявий истеъмол кредити бериш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан “Истеъмол кредити тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида”ги қонундир.

“Истеъмол кредити тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни 2006 йилда қабул қилинган бўлиб, ўтган даврда хизмат кўрсатувчи банклар ва микроқарз берувчи молиявий институтларнинг сони ва хизмат кўрсатиш кўлами кенгайди.

Марказий банкнинг маълумотларига кўра, кейинги уч йилда аҳолига миллий валютада ажратилган кредитларда мақсади белгиланмаган кредитлар тоифасига кирувчи микроқарз 2020 йилда 5,8 триллион сўмни, 2021 йилда қарийб 1,7 баробарга ўсиб, 9,9 триллион сўмни ташкил этган бўлса, 2022 йилда 21,6 триллион сўмга етган.

Ушбу рақамлар аҳоли томонидан истеъмол товарлари ва хизматларига бўлган талабнинг йилдан-йилга тобора ортиб бораётганлиги ҳамда микроқарзлар ҳажмининг кўпайишидан далолат беради.

Истеъмол кредитлари учун талабнинг ортиб бориши баробарида, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, яъни импорт товарлар ва хизматларга истеъмол кредитлар ажратилишида чекловларнинг мавжудлиги амалдаги қонунга ўзгартириш киритишни тақозо этмоқда.

Шу боис, “Молиявий истеъмол кредити бериш тизими такомиллаштирилиши муносабати билан “Истеъмол кредити тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 15-моддасига ўзгартиш киритиш ҳақида”ги қонун қабул қилиниши зарурати туғилди.

Мазкур қонунда Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган товарлар (ишлар, хизматлар) учун

молиявий истеъмол кредитларни тақдим этиш жумласи амалдаги қонундан чиқариб ташланмоқда. Бу билан Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, яъни импорт товарлар ва хизматлар реализациясига ҳам рухсат бериш кўзда тутилмоқда.

Мазкур қонуннинг қабул қилиниши **биринчидан**, маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга соғлом рақобат муҳитини яратилиши натижасида истеъмолчилар учун рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ҳамда сифатли сервис ва хизматлар кўрсатилишини таъминлайди.

Иккинчидан, глобал бозорларда ўсаётган рақобат шароитларида, мамлакат ишлаб чиқарувчиларини эркин бозор тамойиллари асосида фаолият юритиш учун муносиб замин яратишига, қўшимча қиймат яратилишида янги ғоялар ва технологияларни татбиқ этишига, пировардида, жаҳон бозорларига чиқиб

рақобат юритишига хизмат қилади.

Учинчидан, аҳоли истеъмоли учун арзон ва сифатли товар ишлаб чиқарилиши, сервис ва хизматлар кўрсатилиши, ўз навбатида, аҳолининг молиявий ресурсларини тежалишига олиб келади ва бунинг натижасида иқтисодийнинг бошқа тармоқларида талабни вужудга келтиради, натижада иқтисодиёт учун қўшимча инвестиция муҳити яратилишига олиб келади.

Шунингдек, қонун билан истеъмолчи молиявий истеъмол кредити олиш тўғрисида истеъмол товарларини (хизматларини) ишлаб чиқарувчи корхонани ёки реализация қилувчи ташкилотни олдиндан ёзма шаклда хабардор қилиш тартиби бекор қилинмоқда. Албатта, мазкур қонун аҳоли истеъмол кредитларини расмийлаштиришда енгилликлар яратилишига, мамлакатда маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш кўламининг кенгайишига хизмат қилади.

Қобулжон ТУРСУНОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати аъзоси.
ЎЗА

Тошкентлик Адҳам Комилов (исм-шариф ўзгартирилган) айни куч-қувватга тўлган, илм олиб, хунар ўрганадиган ёшда. Афсуски, у бунинг ўрнига меҳнат қилмай мўмай даромад топиш илнжисда жиноятга қўл урди. Ҳаётда бирон-бир фойдали ишнинг бошини тутмаган А.Комилов кўп қаватли уйлар олдига жойлашган автомобиллар тураргоҳидаги “ВАЗ 21-05” русумли транспорт воситасига кўзи тушгач, нияти бузилди.

У автомобилнинг давлат рақамини қасддан ечиб олиб, шу атрофдаги ариққа ташлаб юборади. Шундан сўнг автомашинага харидор топиб, уни 560 АҚШ доллари эвазига сотиб юборади. Харидор А.Комиловдан автомобилнинг эгаси қимлиги ва тегишли ҳужжатларни сўраганда, “эга-

Жиноят ва жазо

ФОШ БЎЛГАН СОХТАКОРЛИК

си вафот этган, жарима майдонидан ўн миллион сўм қарзи бор”, дея ёлғон тўқийди. Аммо орадан бир неча кун ўтгач, автомобилнинг ҳақиқий эгаси автотураргоҳга келганда унинг жойида йўқлигини кўргач, ички ишлар идорасига мурожаат қилади. Суриштирув натижасида ушбу жиноятни А.Комилов содир этгани аниқланди ва унга нисбатан жиноят иши кўзгатилиди.

Яқинда ушбу жиноят иши судга кўриб чиқилди. Суд А.Комиловни Жиноят кодексининг 267-моддаси 2-қисми «г» банди ва 227-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир этганида айбдор деб топиб, унга 4 йил 1 ой муддатга



озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади.

Бундан ташқари жабрланувчиларга етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш юзасидан фуқаролик тартибда судга мурожаат

қилиш ҳуқуқи тушунтирилди.

Хулоса ўрнида шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўзгача ҳақи бошқага ҳеч қандай буюрмайди. Бу ҳаётда кўп бор ишбодини топган. Демак, ҳаётда фақат ҳалол меҳнат

кишини улугълайди, кўнглига хотиржамлик бағишлайди. Тўғри йўлдан оғиш эса, ҳеч қачон жазосиз қолмайди.

Аброр САИДОВ,
жиноят ишлари бўйича
Олмазор тумани суди раиси

Муносабат

ЖОРИЙ ЙИЛ БЎЙИЧА давлат дастури тасдиқланди унда суд-ҳуқуқ соҳасига бағишланган устувор вазифалар белгиланган



◀ (Бошланиши 1-бетда)

Ўз навбатида, Фармоннинг 14-банди адолат ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш бо-расидаги суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ этишга қаратилган вазифаларга бағишланган.

Ушбу вазифалар доирасида Президент Фармонидан: жиноятларни тергов қилиш жараёнида “Хабас корпус” институтини қўллаш амалиётини янада кенгайтириш мақсадида тинтув ўтказиш, телефон сўзлашувларини эшитиб туриш ва мулкни хатлашга санкция бериш ваколатини прокурорлардан судларга ўтказиш;

– жиноят ишини судларга айблов хулосаси ё айблов далолатномаси ва ҳимоячи фикри билан бирга тақдим этиш тартибини жорий этиш;

– адвокатлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензияни олиш учун юридик мутахассислик бўйича камиди икки йиллик иш стажига эга бўлиш талабини бекор қилишни назарда тутовчи қонун лойиҳаларини белгиланган тартибда Олий Мажлис Қонунчилик палатасига киритиш белгиланди.

Айни вазифаларнинг таъминлигини, биринчи навбатда, жиноят содир этишда гумоналанаётган, айбланаётган шахснинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган шахсий, ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларининг таъминлигини кафолатлайди.

Акмал МУРОДОВ,
Навоий вилояти маъмурий судининг раиси

Жиноят ва жазо

Бугунги кунда ахборот-технологияларнинг юксак тараққий этгани одамларга кенг имконият ва қўлайликлар яратмоқда. Шу билан бирга ушбу ютуқлардан ўзининг фаразга мақсади бўлиб фойдаланиб, мураккаб турдаги ўғирлик, фирибгарлик жиноятини содир этаётган кимсалар ҳам учраб туради.

АЛДОЗ

замиридаги ўғирлик

Шу ўринда фикримизни ҳаётини мисоллар ёрдамида давом эттирадиган бўлсак, Иқбол опа (исм-шарифлар ўзгартирилди) Пастдарғом туманининг Чархин шаҳарчасидаги “Paynet” шаҳобчасида фаолият юритади. Ҳеч кимга сир эмас, аёлнинг оилада юмушлари ҳеч қачон тугамайди. Иқбол опа ҳам баъзан уйда ишлари кўпайиб кетса, ўрнига ўғли Мироншоҳни қолдириб кетарди.

Ўтган йил 24 январь куни ҳам шундай бўлди: тушликдан сўнг Мироншоҳ шаҳобчада ишлаб ўтирганида, хонага 35-38 ёшлар чамасидаги нотаниш киши кириб келди.

– Мен компьютер техникаси бўйича мутахассисман, – дея ўзини таништирди у. – Агар зарурат бўлса, “Paynet” тизимига ўрнатилган компьютерингизни кўздан кечириб беришим мумкин.

Мироншоҳ “Мутахассис ўз оёғи билан келганда, фойда-



ланиб қолганим яхши”, деган фикрни кўнглидан кечираркан, ҳалиги нотаниш кимсанинг таклифига дарров розилик билдирди.

Қисқаси, ҳалиги кимса компьютерни қандай ишлаётганини текшира бошлади. Айни ўша чоғда Мироншоҳ бошқа бир мижозга чалғиган ва мутахассис нима иш қилаётиганини кўрмаганди. Орадан бироз вақт ўтиб, ҳалиги кимса худди ўз ишини тамомлагандек, компьютерни ўчирди ва Мироншоҳга уни кейинроқ ёқиш зарурлигини тайинлаб, хонадан чиқиб кетди.

(Давоми 4-бетда) ▶



Адолат — қонун устуворлигида

Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги, АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) ҳамда "East-west management institute" НТТ Ўзбекистондаги филиали "Суд тизимини муштахкамлаш" (JSSA) қўшма лоийҳаси ҳамкорлигида суд органлари фаолиятини тўғри ва ҳолисона, қонун талаблари доирасида ёритишни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган анъанавий «Адолат — қонун устуворлигида» танловини эълон қилади.

Танловга 2023 йилнинг 1 январидан 1 июнига қадар аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга йўналтирилган, судлар фаолиятига доир объектив ҳамда асосли фикр-мулоҳозалар акс этган босма ва интернет нашрларда эълон қилинган мақола, интервью ва суд очерклари, шахсий блог ва каналларда чоп этилган билдириш ва таҳлилий материаллар, телевидение ва радиода эфирга узатилган лавҳа, кўрсатув ва эшиттиришлар қабул қилинади.

лари томонидан баҳоланиб, қуйидаги номинациялар бўйича ғолиблар аниқланади:

- 1. Телевидение ва радио;
2. Интернет ва босма нашрлар;
3. Журналист/блогер;
4. Судья ва суд ходими;
5. Илмий ходим;

Барча йўналишлар бўйича 1, 2, 3-ўрин ғолиблари аниқланиб, асосий ўринлардан ташқари ҳар бир номинацияда биттадан рағбатлантирувчи мукофот ҳам таъсис этилган.

Ғолибларни тақдирлаш маросими 27 июнь — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни арафасида ўтказилиб, ғолиблар танлов рамзи, диплом ва совғалар билан мукофотланади.

МУРОЖААТ УЧУН МАНЗИЛ: 100186, Тошкент шаҳри, А. Қодирий кўчаси, 1-уй, телефон: (71) 239-02-43, 239-02-55, 239-02-67.

Савол беринг, жавоб берамиз

Шахсий сиримни ошқор қилиш билан кўрқитиб, мулк ҳуқуқимни талаб қилганлик учун қандай жавобгарлик бор?

— Касбим маркетинг, оилалиман, бир нафар фарзандим бор. Талабалик давримда онамнинг номидаги бир хонали квартирада дугонам билан бирга яшаганмиз. Ростим гап, ўша пайтда дугонам билан сир-дош эдик. Мен турмуш кургач, у квартирада яшаб келаётганди. Яқинда дугонамага квартирани сотиш ниятида эканимни айтдим. У эса, уйни бўшатиш ўрнига талабалик давридаги воқеаларни турмуш ўртоғимга айтиб бериш билан кўрқитиб, квартирани ҳаёда сифатида расмийлаштириб беришимни талаб қилмоқда. Айтинг-чи, унинг бу хатти-ҳаракати учун қонунда қандай жавобгарлик белгиланган?

Г.СОБИРОВА, Тошкент шаҳри

— Энг аввало шуни кайд этиш керакки, юртимизда мулк мутлақ дахлсиз ҳисобланиб, давлат томонидан кўриқланади, унга нисбатан ҳар қандай тажовуз қонунга зид деб топилади.

Айниқса, бировни сирини ошқор қилиш билан кўрқитиб, уни ўз мулкки эки мулкки ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш Жиноят кодексига товланган 165-моддасига тавсифланади ва албатта, жиноий жавобгарлик ка сабаб бўлади.

зўрлик ишлатиш, мулкка шикаст етказиш эки уни нобуд қилиш эҳуд жабрланувчи учун сир сақлашни лозим бўлган маълумотларни ошқор қилиш билан кўрқитиб, ўзгадан мулкки эки мулкки ҳуқуқни топириш, мулкки манфаатлар беришни эҳуд мулкки йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш эҳуд жабрланувчи ўз мулкки эки мулкка бўлган ҳуқуқини беришга мажбур қиладиган шароитга солиб қўйиш учун -

Саволга Олий суд бош консультанти Ақром Арипов жавоб берди.

Бошланиш 3-бетда

Кўп ўтмай Мироншоҳ компьютерни ёқиб, "Раунет" тизимига кирса, аллақимнинг пластик картасига 2 миллион сўм ўтказиб юборилганига кўзи тушади. Сўнг шошиб кўчага чиқадиди, ҳалиги кимсани излашга тушади, аммо ҳеч қаерда унинг қораси кўринмасди.

Шундан сўнг Мироншоҳ зудлик билан онасига бу ҳақда хабар берди. Тезда шоҳобчага етиб келган И.Бобожонова текшириб кўрса, ҳақиқатан ҳам, 2 миллион сўм "Раунет" тизими орқали Б.Мансуров деган одамнинг номига расмийлаштирилган пластик картага ўтказиб юборилган экан.

Бу воқеа рўй берганидан сўнг орадан тўрт кун ўтиб, Иштихон туманида яшовчи С.Намозова ҳам фирибгарлик қўрбонига айланади. У "Савдогарбанк" муассасаси ёнидаги банкоматга пластик картасидаги пулни нақдлаштириш учун борганда, қандайдир нотаниш бир йигитга кўзи тушади.

— Мабодо ёрдам керак эмасми, опа? — дея сўрайди ҳалиги нотаниш йигит самимий овозда.

Бу қаранги, С.Намозова банкоматга биринчи марта иши тушиши эди. Шу боис у "пулни қандай ечиб оламан" дея иккиланиб турганди. Ҳалиги нотаниш йигитнинг сўзларини эшитиб, бирдан хурсанд бўлиб кетади ва пластик картасини унга узатади.

Қисқаси, ўша куни "ҳожатбарор" С.Намозованинг пластик картасидан 470 минг сўмни нақдлаштириб, қайтариб беради. С.Намозова бундан хурсанд бўлиб, нотаниш йигитга қайта-қайта раҳмат айтиб, уйига кетади. Аммо орадан бир неча кун ўтиб, пластик картасини ишлатман деса, бирон сўм ҳам қолмаган экан...

Кейинчалик маълум бўлишича, С.Намозовага ёрдам берган ҳалиги кимса билдирмай пластик картанинг рақамларини ёзиб олган, сўнг 4 миллион сўмни ўзининг пластик картасига ўтказиб, талон-торож қилган экан.



Жиноят ва жазо

АЛДОЗ замиридаги ўғирлик

"Яхши бўларди, — дейди Д. Азимова, — 5 миллион сўм ечиб берсангиз, илтимос..."

Халиги нотаниш кимса Д. Азимовага пластик картасидан дастлаб 1 миллион, кейин иккинчи ва учинчи марта 2 миллион сўмдан, жами 5 миллион сўмни нақдлаштириб беради.

Шундан сўнг Д.Азимованинг пластик картаси ҳисобида 8 миллион 746 минг сўм миқдорда маблағ қолиши керак эди. Аммо у орадан бир неча кун ўтган, пластик картасида бирон сўм ҳам қолмаганини қўриб, ҳуши бошидан учиб кетади...

Кейинги воқеа ҳам Тошкент вилояти Ангрен шаҳрида юз берди. Фирибгар кимса Қ.Уроқова ҳам ўзининг "беминнат" ёрдамчини таклиф қилади. Кейин эса, худди юқорида баён этилгани каби воқеа рўй беради. Охир-оқибат К.Уроқова 1 миллион 110 минг сўмидан айрилиб қолади.

Хўш, бу нотаниш кимса аслида ким? Нега у тап тортмай фуқароларнинг мабалагини талон-торож қилди? Бу саволларга жавобан шуни айтиш керакки, бу кимса Самарқанд туманида 1985 йилда туғилган, муқаддам фирибгар-З.Мансуровнинг фириби ортидан пластик картасидаги пуллари ўғирлатиб қўйган фуқаролар фақат юқорида қайд этилган фуқаролар эмас, балки Нарпай туманида яшовчи С.Мажидова 1 миллион 808 минг 607 сўм, Жиззах шаҳрида истикомат қиладиган А.Жайнаров 594 минг сўм, М.Маматқобилова 1 миллион 155 минг

сўм, Ғиждувон туманида яшайдиган Ф.Комилова 2 миллион 516 минг сўмидан айрилиб қолган. Ёдингизда бўлса, мақола-миз аввалида жабрланувчи И.Бобожонова тизимни текшириб кўрганида 2 миллион сўм "Раунет" орқали Б.Мансуров деган одамнинг номига расмийлаштирилган пластик картага ўтказилганидан хабар тоганини қайд этгандик. Энди ушбу ҳолатга ойдинлик киритадиган бўлсак, жабрланувчиларнинг ёзма мурожаатларидан сўнг ўтказилган суриштирув жараёнида Б.Мансуров Зоҳиднинг отасининг номидаги пластик картага ҳам ўғирланган пуллари кўчирган. Бу ҳолат жиноятнинг тез очилишига ёрдам берди.

3.Мансуровнинг жиноий кирдиқорлари фақат шулардан иборат эмас, балки у нафс кутқуси йўлида самарқандлик Ф.Қодирқулловнинг катта миқдордаги маблағини алдов йўли билан қўлга киритган.

Воқеа тафсилоти шундай: 3.Мансуров аслида отасига тегишли "Spark" русумли автомашинани ўзига тегишли эканини айтиб, Ф.Қодирқулловга 8 минг АҚШ долларига сотади. Пулни олгач, у автомашинани расмийлаштириб беради. Орадан уч кун ўтиб, у Ф.Қодирқулловнинг уйига боради-да, "Spark" автомашинасини қайтариб олиб кетади.

Аммо 86 миллион 152 минг сўмга тенг 8 минг АҚШ доллари миқдоридидаги маблағни шахсий эҳтиёжига сарфлаб юборади.

Суд судланувчи 3.Мансуровга тегишли жиноят ишини кўриш чоғида унинг жиноий қилмишларига ҳуқуқий баҳо берди. Унга нисбатан узил-кесил олти йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди. Суд ҳукмида судланувчидан жабрланувчилар фойдасига етказилган зарар ундирилиши қайд этилди.

Хулоса ўрнида айтганда, алдов замиридаги замонавий ўғирлик тафсилоти ҳар бир кишини ҳушёр тортирмоғи керак. Банк пластик карталари аҳолига тўлов жараёнларини тез ва осон амалга оширишда кенг қулайлик яратмоқда. Аммо пластик картадан фойдаланганда қаршингизда ширин такаллуф билан беминнат ёрдамчини таклиф этган нотаниш одамга асло ишонманг. Чунки фирибгар кимсалар ўз ғаразли мақсадини содир этишида асосан одамларнинг содда ва ишонувчанлигидан фойдаланади.

Демак, бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, ҳушёрлик, атрофга очик кўз билан қараш бундай жиноятларнинг олдини олишда асосий восита саналади.

Бекзод ЖУМАБОВ, жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар суд раисининг ўринбосари Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ, "Куч-адолатда" муҳбири

Қизиқарли фактлар

Бу воқеа бундан икки аср муқаддам Германияда юз берган эди. Қуллардан бир кун бадавлат савдогарлардан бири Франкфуртдаги бозорда ичида 800 гульден пули бор ҳамини йўқотиб қўяди. Бу пул ўша даврда катта миқдорни ташкил қиларди. Масалан, битта яхши от 40 гульден турарди. Энди тасаввур қилинг, 20 та от сотиб олишга етадиган пулни йўқотган одамнинг қандай аҳволга тушганини.



ҲАЛОЛЛИК АЖРИ

Ўша куни шу шаҳарда яшовчи ҳалоллиги билан танилган бир уста оғиргина ҳамённи топиб олади. У ҳамённи эгаси топилгунга қадар ўз уйида сақлашга қарор қилади. Уста пуллари санаб кўргач, унинг 800 гульден эканлигини билиб, яшириб қўяди ва бу ҳақида ҳеч кимга айтмайди.

Якшанба кундаги ибодат чоғида черков руҳонийси бир бадавлат савдогар 800 гульден пули бор ҳамини йўқотиб қўйганини, ким ҳамённи топган бўлса, қайтариб беришни илтимос қилиб, эвазига ўша савдогар 100 гульден суюнчи беришга тайёр эканини эълон қилади.

Албатта, ўта ҳалол одам бўлган уста руҳонийга 800 гульдени бор ҳамённи келтириб беради. Руҳоний эса, савдогарни қақчириб, гувоҳлар олдида ҳамённи унинг қўлига тутқазди. Савдогар пуллари санаб олгач, ваъда қилинган 100 гульден ўрнига устага бор-йўғи 5 гульден беради. Бу ҳам етмагандек, у дурадгорга "Ҳамёнда 900 гульден пул бор эди, ундан 100 гульденни ўзинг олиб қўйгансан, сенга 5 гульден ҳам етади!" — дея уялмай-нетмай тухмат ҳам қилади.

Аслида у шундай макр-ҳийла ишлатиб, ваъда қилган суюнчи пулини бермаслик пайида бўлади. Аммо у лафз қилиб қўйганди. Уста эса, савдогарнинг тухмат қилишига чидаб туролмади. "Мен худодан кўрқадиган одамман. Мен сенинг бир гульден ҳам пулингни олганим йўқ, ҳамёнингда қанча пул бўлса, ўшанчасини бус-бутун қайтариб бердим", — дейди. Уста-нинг ўта ҳалол ва тўғри сўз одам эканини руҳоний ҳам тасдиқлайди ва савдогардан ваъда қилинган 100 гульден пулни беришни талаб қилади. Бироқ ўта ҳасис савдогар ўзининг сўзида туриб олади, мушқофот пулини беришни истамайди.

Суд маҳкамаси адолатли ҳукм чиқарган эди, ҳалоллик мукофоти узоқ давом этади. Охир-оқибат бу жола-лик жазоланган эди.

Судда бу низо бир неча кун муҳокама қилинади. Ўрни келганда шуни айтиш керакки, бу низонинг шов-шуви аллақачон бутун шаҳарга ёйилган ва одамларда катта қизиқиш уйғотганди. Шу боис шаҳар аҳли суд муҳокамасига ҳатто чипта сотиб олиб, иштирок этишади. Суд қарор қабул қиладиган кун эса, маҳкамга биносини одамлар билан тўлиб-тошади, барча бу можаро қандай яқун топишни сабрсизлик билан кутарди.

Судья дастлаб савдогарга мурожаат қилади: "Сен айнан 900 гульден пулни йўқотганини қасам ичиб, тасдиқлай оласанми?"

Савдогар киприк ҳам қоқмасдан ўзини ҳақ эканини таъкидлайди ва муқаддас китобга қўлини қўйиб, қасам ичади.

Шундан сўнг судья устага юзланади: "Сенчи, ростдан ҳам, 800 гульден топиб олганини тасдиқлаб, қасам ича оласанми?" — деб сўрайди.

Уста ўзининг ҳақ эканига заррача шубҳа қилмайди ва вазмин холда муқаддас китобга қўлини қўйиб, қасам ичади.

Қисқаси, судья томонларнинг важларини эшитиб, уларни муҳокама қилади, сўнг шундай қарор қабул қилади: Савдогар дастлаб 800 гульден пулни йўқотганини айтган экан, бироқ пул топилгач, у ўз фикрини ўзгартириб, 900 гульденни йўқотганини билдирган. Шунинг учун унинг иккинчи фикрини тўғри деб топдик ва топилган бу ҳамён уники эмас, деган қарорга келдик. Шаҳримизда хурматли ва ҳалол одам саналган устанинг сўзларига ишонмасликка ҳаққимиз йўқ. Шу боис ўша 800 гульден пул ҳақиқий эгаси топилгунгача қадар устага қайтарилсин. Агар пулни беришни талаб қилади. Бироқ ўта ҳасис савдогар ўзининг сўзида туриб олади, мушқофот пулини беришни истамайди.

Суд маҳкамаси адолатли ҳукм чиқарган эди, ҳалоллик мукофоти узоқ давом этади. Охир-оқибат бу жола-лик жазоланган эди.

Интернет материаллари асосида Бобомурод РАЙИМОВ тайёрлади.

